



**ҚҰШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ УНДИРИШ АМАЛИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ КОМПЛЕКС-МАҚСАДЛИ ДАСТУРИ ВА
ПРОГНОЗИНИ ИШЛАВ ЧИҚИШ**

PhD Уразматов Жонибек Мусурманович
Гулистан давлат университети
ORCID: 0009-0005-9468-5761
jonibei1186@gmail.com

Аннотация. Жаҳонда кейинги йилларда құшилған қиймат солиғини ундириш механизмини такомиллаштириш масалаларга қаратылған илмий изланишларга алоқида әътибор берилмоқда. Пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсатининг ўзаро үйғунлигини таъминлаш, солиқ маъмурчилигини бүгунги күн талабларига мослаштириш, құшилған қиймат солиғининг бюджет даромадларини шалланишидаги ўрнини кучайтириш, «узлуксиз құшилған қиймат занжира»ни вужудда келтириш, даромад ва харажатларнинг ноқонуний айланмасыга чек қўйиш каби масалалар мазкур мақолада ёритилган.

Ключевые слова: бюджет, бюджет даромадлари, бюджет харажатлари, солиқ сиёсатининг иқтисодий самарадорлиги, құшилған қиймат солиғи, солиқ тушуми, солиқ сиёсати самарадорлиги.

**РАЗРАБОТКА КОМПЛЕКСНО-ЦЕЛЕВОЙ ПРОГРАММЫ И ПРОГНОЗА
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАКТИКИ ВЗЫСКАНИЯ НАЛОГА НА
ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ**

PhD Уразматов Джонибек Мусурманович
Гулистанский государственный университет

Аннотация. В последние годы в мире особое внимание уделяется научным исследованиям, направленным на совершенствование механизма взимания налога на добавленную стоимость. В данной статье освещены такие вопросы, как обеспечение взаимной согласованности денежно-кредитной и бюджетно-налоговой политики, приведение налогового администрирования в соответствие с требованиями сегодняшнего дня, усиление роли налога на добавленную стоимость в формировании доходов бюджета, создание "цепочки непрерывной добавленной стоимости", пресечение незаконного оборота доходов и расходов.

Ключевые слова: бюджет, доходы бюджета, расходы бюджета, экономическая эффективность налоговой политики, налог на добавленную стоимость, налоговые поступления, эффективность налоговой политики.

**DEVELOPMENT OF A COMPREHENSIVE TARGET PROGRAM AND FORECAST
FOR IMPROVING THE PRACTICE OF VAT INVOLVEMENT**

PhD Urazmatov Jonibek Musurmanovich
Gulistan State University

Annotation. In recent years, the world has been paying special attention to scientific research aimed at improving the mechanism for collecting value-added tax. This article covers issues such as ensuring the mutual consistency of monetary and fiscal-tax policies, bringing tax administration in line with modern requirements, strengthening the role of value added tax in the formation of budget revenues, creating a "continuous value chain", and preventing illegal income and expenses.

Keywords: budget, budget revenues, budget expenditures, tax policy economic efficiency, value added tax, tax revenues, tax policy efficiency.

Кириш.

Корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатиши учун хўжалик механизмининг барча элементлари мукаммал ишлаши зарур. Айнан шу йўналишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибига алоҳида эътибор қаратиш керак. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тизимини такомиллаштиришда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мухимдир. Қўшилган қиймат солиғининг республикамиз солиқ амалиётига жорий этилиши давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг барқарор манбасини яратди. Кўплаб ривожланган мамлакатлардаги каби республикамиз давлат бюджети даромадларини шакллантиришда ҳам қўшилган қиймат солиғи энг асосий молиявии ресурс ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, мазкур солиқ механизмидаги мавжуд муаммолар солиқ тизимига ва давлат бюджети даромадларини шакллантиришга жиддии таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда қўшилган қийматни тақсимлашнинг солиқ механизмини самарали шакллантириш масалаларининг назарий, методологик ва амалий жиҳатлари маҳсус, мустақил тадқиқот обьекти сифатида етарли даражада ўрганилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигини ва илмий -амалий аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

Адабиётлар шарҳи.

Янгидан яратилган қийматнинг назарии асослари А.Смит, Д.Рикардо ишларида, қўшилган қиймат концепцияси ва ишлаб чиқариш омиллари концепцияси эса Ж. Сэи, Дж. Кларк асарларида яратилган. А.Маршалл тадқиқотлари асосида яратилган иқтисодий қўшилган қийматнинг замонавий назарияси ҳозирги кунда жаҳоннинг етакчи компаниялари томонидан қийматни яратиш жараёнида самарали қўлланилиб келмоқда.

Хорижий тажрибалар асосида ҚҚС маъмуриятчилиги самарали тадбирларининг методологик жиҳатларини ўрганишга Алиев (2013), Брюммерхофф (2001), Вотчаев(2010), Голик (2007), Князев (1997)ларнинг изланишлари бағишиланган. Мамлакатимиз миллий солиқ тизими ва солиққа тортиш амалиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган олим ва амалиётчи мутахассисларимиздан Гадоев (1996), Гатаулин(1996), Завалишина(2005), Маликов (2012), Олимжонов(1999) ларни мисол келтириш мумкин. Ўз моҳиятига қўра, ҚҚС истеъмол солиғи ҳисобланганлиги сабабли унинг идеал базаси, яъни жами якуний истеъмол харажатлари бизнес цикллари давомида бир мунча барқарор бўлиб, ҚҚС базасининг ҳамбарқарорлигини назарда тутади (Тошматов,2008).

Аммо, амалиётда ҚҚС даромадлари баъзан ЯИМ ёки якуний истеъмолга нисбатан анча таъсирчан ҳисобланади (Sancak, Velloso, and other, 2010). ҚҚСнинг ташқи шокларга нисбатан нобарқарорлик сабабларини аниқлашда унинг самарадорлик даражаси ва уни белгиловчи омилларни тадқиқ этиш муҳим масаладир.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб Ўзбекистон Республикасида қўшилган қийматни тақсимлашнинг самарали солиқ механизмини шакллантириш йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фундаментал асарлари, давлат томонидан бюджетнинг солиқли даромадларини прогнозлаш, давлат солиқ сиёсати, давлат солиқ менежментига доир иқтисодий назария ва ижтимоий –иқтисодий системология асослари ҳизмат қиласи. Илмии изланиш жараёнида тадқиқот олиб боришнинг гурухлаш, тизимли қиёсий таҳлил ва тизимли ёндашув, иқтисодий -математик моделлар, корреляцион, регрессион, эксперт ва таққослама таҳлили, башоратлаш, маълумотларни статистик ишланмаси, гурухлаш методлари ва бошқа замонавий усулларидан фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви жараёни, қўшилган қиймат солиғи самарали механизми ташкил этишда солиқ салоҳиятини ошириш муаммоларининг кескинлашувини юзага келади. Бугунги кунда кўплаб мунозараларга сабаб бўлаётган солиқ тизими ислоҳининг алоҳида бир йўналиши сифатида қўшилган қиймат солиғи амалиётини такомиллаштиришнинг комплекс-мақсадли дастури ва прогнозини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги шароитида, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий ўзгаришларда юзага келаётган муаммоларни бартараф этишда қўшилган қиймат солиғини ислоҳ қилиш солиқ тизимидағи мунозарали масалалардан бири саналади.

ҚҚСнинг турли мақсадли дастурларини ўрганиш ҳар қандай мамлакат учун муҳим аҳамият касб этади, чунки ҳар қайси моделга оид солиқ тизимининг ривожланиш қонуниятлари, давлат тартибга солиш тадбирлари самарадорлиги, солиқ режими ва унинг рағбатлари тизими, ривожланиш истиқболлари учун турткни бўла оладиган жиҳатларни ижобий ўзлаштириш мумкин.

Ушбу имкониятни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими модернизациясининг илк босқичида ривожланаётган мамлакатларга хос бўлган ҚҚСни ундиришдаги фискал устуворликка асосланган мақсадли дастуридан четлашган ҳолда, ўз миллий комплекс-мақсадли дастурини яратишда қуидагиларга эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз.

ҚҚСни ундириш амалиётини самарали бошқаришнинг танланган комплекс-мақсадли дастури муҳим ўрин эгаллашини инобатга олиб, мазкур изланишимизда хорижий ва ўзбек иқтисодчи-олимлари ва мутахассислари ишларига таянган ҳолда ижтимоий адолат тамойилининг реал ҳаётий ижроси ва янги солиқ сиёсати талабларини ҳисобга олувчи мураккаб тизим сифатида ҚҚСни ундириш амалиётининг ўзига хос “комплекс-мақсадли дастури”ни илмий-методологик жиҳатдан изоҳлашга ҳаракат қилинди (1-расм).

Ташқи муҳитни хусусиятловчи тўрт жиҳатни алоҳида ўрганиш лозимки, у давлат қурилишининг шакли ва давридан қатъий-назар ҚҚСни ундириш амалиёти учун универсал хусусиятдир. Бу ўзгарувчан ташқи муҳит шароитида ҚҚС амалиётини ривожлантириш йўлларини тегишли ва устувор вазифалар белгилаш орқали амалга оширилади.



1-расм. Мураккаб тизим сифатида КҚСни ундириш амалиётининг мантиқий “комплекс-мақсадли дастури”

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу тасаввурларни маълум кетма-кетлиқда нисбий бўйсунувчанликка асосланган занжирли боғланишда ва тескари алоқадорлик тизимини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш лозим. Бунинг натижасида КҚСни ундириш амалиётининг мазкур “комплекс-мақсадли дастури”да назарий қарашларни қайта кўриб чиқишининг ёпиқ кетма-кетлигига риоя этиш талаб этилади.

“КҚСни ундириш амалиётини фискал табиат ва ижтимоий самара уйғунлигида ташкил этиш ва бошқариш”нинг стратегик вазифаларини ҳал этиш мақсадида КҚС амалиётининг комплекс-мақсадли дастурини тизим сифатида таъминловчи қисм (M)ни биз куйидаги вербал модел шаклида тасаввур этамиз:

$$M=\{M_1, M_2, M_3\}=\{t_a, k_t, n_t, i_t, t_t, T_t, i_u, a_y\} \quad (1)$$

бу ерда: M_1 – илмий-назарий парадигма учун таъминот; M_2 – тизим фаолияти учун таъминот; M_3 – тизим инновацион тараққиёти учун ва унинг янги илмий-назарий парадигмаси учун таъминот; t_a - таълим, тегишли малака; k_t - кадрлар таъминоти; n_t – норматив-хуқуқий таъминот; i_t - информацион таъминот; t_t - техник таъминот; T_t - технологик таъминот; t_u - тадқиқотнинг илмий усуллари ва усуллари; a_y – амалий воситалар, моделлар.

КҚСни ундириш амалиётида фискал табиат ва ижтимоий самара муқобилигига эришиш учун солиққа тортишнинг турли дастурларини ўрганиш ҳар қандай мамлакат учун муҳим аҳамият касб этиди. Чунки ҳар қайси дастурга оид солиқ тизимининг ривожланиш қонуниятлари, давлат тартибга солиш тадбирлари самарадорлиги, солиқ режими ва унинг рағбатлари тизими, ривожланиш истиқболлари учун туртки бўла оладиган жиҳатларни ижобий ўзлаштириш мумкин. (1-жадвал).

Шундай қилиб, фискал табиат ва ижтимоий самара муқобиллигига эришишнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш мақсадида ҚҚС амалиётининг маҳсус моделига айнан тизим сифатида ёндашувгина оптималь бошқарув қарорларини қабул қилишга, солиқ органлари ва солиқ тўловчилар харажатларини камайтиришга ва манфаатлар муштараклигини таъминлашга замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 февралдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш хақида”ги 60-сон Қарорига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасида ҚҚС амалиётини ўрта муддатли такомиллаштириш стратегияси” зарурияти юзага келди. Шу боисдан мамлакатимизда солиқ тизимини модернизациялашнинг ўрта муддатли стратегиясига ҳамоҳанг бўлган Ўзбекистон Республикасида ҚҚСни ундириш амалиётини ўрта муддатли такомиллаштиришга қаратилган самарали тадбирлар Концепцияси (СТК) ни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Унда асосий эътибор солиқ органлари ва солиқ тўловчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини янада яхшилашга эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида ҚҚСни ундириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган самарали тадбирлар Концепциясининг бош мақсади сифатида акцизости товарларни фискал табиат ва ижтимоий самара уйғуналигига солиққа тортишни йўлга қўйиш ҳисобланади.

1-жадвал

Фискал табиат ва ижтимоий самара муқобиллигига эришишнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш мақсадида ҚҚСни ундириш амалиётининг ўзига хос “комплекс-мақсадли дастури”да тизимли тасаввурлар мазмуни

т/ р	Тасаввур жиҳати	Тасаввур мазмуни ва тегишли тадбирларнинг кутилаётган натижалари
1	Генетик	ҚҚС амалиёти соҳасида илмий ҳамкамият томонидан қабул қилинувчи ёки муҳокама этилувчи фундаментал ишланмалар, фикрлашлар ва терминалрга янгича таъриф-изоҳлар мажмунини шакллантириш (илмий-назарий парадигма)
2	Гомеостатик	ҚҚС амалиёти тараккиётида давлат, иқтисодиёт тараккиёти, солиқ органлари, солиқ тўловчилар манфаатларини ҳисобга олувчи динамик мувозанат ва барқарорликни ушлаб туриш (гомеостаз).
3	Иерархик	ҚҚС амалиёти - бу соҳадаги муносабатларнинг субъектлар кесимида таркиблаштириш; таркиб - тизимнинг статистик ҳислатларини акс эттирувчи инвариантли кесимиdir.
4	Мақсадли	ҚҚС амалиёти тадбирлари амал қилишига эришиш орқали ижтимоий адолат ва ижтимоий тенгликка эришишнинг стратегик вазифаларини ҳал этишига эришиш.
5	Функционал	Давлат, солиқ органлари, солиқ тўловчилар томонидан ҚҚС амалиёти самарали фаолиятини таъминлашга оид имкониятлар (функциялар)ни аниқлаш ва улар ижросини таъминлаш.
6	Ташкилий	Тизим бўғинларида вазифалар, ресурслар ва ваколатларни тақсимлаш бўйича қарорларни тақсимлаш шакллари; ташкил этиши – тизимнинг улар динамик тавсифларини ҳисобга олган ҳолдаги инвариант образлариdir.
7	Муолажавий	Хукукий асосларга мос тарзда ҳаракатлар ва муолажаларни алгоритмлаш; ҚҚС амалиёти истиқболлари ва фаолиятини иқтисодий-математик моделлаштириш.
8	Инновацион	Янги парадигмага ўтишни таъминловчи янгиликлар, яъни ҚҚС амалиётига оид янги ғоялар, қарашлар, ёндашувларни шакллантириш.

Манба: муаллиф ишланмаси.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таклиф этилаётган ҚҚС объектларини солиқقا тортиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган самарали тадбирлар Концепцияси, аввало, мамлакатимизда солиқ тизими модернизациясининг бош мақсадига мувофиқ келади ҳамда солиқ маъмурчилигининг бюджетга солиқ тўлаш мажбуриятлари ихтиёрийлигини таъминлашга кўпроқ асосланиши лозимлигини тасдиқлади.

ҚҚС объектларини солиқقا тортиш категориясининг кўп жабҳалилиги уни самарали бошқаришга бевосита таъсир этади. Натижада, ҚҚС объектларини солиқقا тортиш тизимини мукаммаллаштириш мақсадида солиқ амалиётини самарали бошқаришни тадқиқ этишининг янгича йўналишларини қўллаш талаб этилади.

Жаҳон солиқ амалиётининг бой ижобий тажрибаларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҚҚС объектларини солиқقا тортишнинг “ижтимоий самарага йўналтирилган” комплекс-мақсадли дастурини қўллаш яхши самара беради. Бунинг учун ҚҚС объектларини солиқقا тортишда унинг ижтимоий аҳамияти ва вазифасининг устуворлиги, ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари бирламчи аҳамиятга эгалиги асосида солиқ муносабатлари иштирокчилари ўзаро манфаатли фаолиятини таъминлашнинг солиқ органлари фаолияти учун ҳамда ҚҚС объектлари истеъмолчилари фаолияти учун аҳамиятли бўлган янги мезонлари ва қўрсаткичларини, улардан фойдаланиш услубиётини ишлаб чиқиш лозим.

Хулоса ва таклифлар.

Умуман, ҚҚС объектларини солиқقا тортишни такомиллаштиришда қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз:

1. ҚҚС асосан фискал функцияни бажариб келиши билан бир вақтда, товарлар истеъмол қийматига қўйилган мақсадли ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҚҚС, сифат жиҳатидан аниқ ифодаланиб, етарлича баҳоламаслиги, ҚҚС амалиётининг истеъмолчилар ва давлат манфаатлари уйғунлигини назарда тутувчи назарий асосларга зид келиш ҳолатининг кенг тарқалишига олиб келди. Бундан келиб чиқсан ҳолда, ҚҚСни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари белгилашда солиқ устуворликларидан келиб чиқсан ҳолда, ҚҚС тўланадиган товар, хизмат ва бажариладиган ишларнинг нархига эмас, балки улардан фойдаланиш қийматига мутаносиб ижтимоий қадриятларга йўналтирилиши зарур.

2. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг мувозанатини таъминлашда билвосита солиқларнинг устувор фискал табиати барқарор ўсиш тенденциясига эгадир. Солиқ тўлови кўрсаткичларини ҳисоблаш орқали вақт, тармоқ ва ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлил қилиш, солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, жорий ва истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, давлат ва солиқ тўловчилар манфаатларини уйғунлаштиришга кўмаклашувчи солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш, ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ҳатти-ҳаракатлари кўрсаткичи сифатларини яхшилашга эришиш мумкин. Давлат молиясини бошқариш тизимида солиқ тушумини ҳисоблаш кўрсаткичларини ишлаб чиқишдаги услубий ёндашувларни аниқлашда дастурий-мақсадли тамойилларни кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида минтақада ҚҚСнинг солиқ базасини шакллантиришга таъсирини баҳолаш имконини беради.

Адабиётлар /Литература/Reference:

Sancak, C., R. Velloso, and J. Xing. (2010) Tax Revenue Response to the Business Cycle,» IMF Working Paper 10/71 (Washington: International Monetary Fund). -pp. 12-27.

- Абдувохидов А.А. и др. (2022) Ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда тиҷорат банкларининг кредитлаш сиёсатини такомиллаштириш //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnalni. –Т. 2. –№. 5. –С. 46-52.
- Алиев Б.Х. (2013) Налоговые системы зарубежных стран / Б.Х. Алиев, Х.М. Мусаева. - М.:Юнити-Дана,. -216 с.
- Брюммерхофф, Д. (2001) Теория государственных финансов / Д. Брюммерхофф. – Владикавказ: Пионер-Пресс, -480 с.
- Ваҳобов А., Маликов Т.(2012)Молия. –Т.: «НОШИР», -712 б.
- Гадоев Э. ва бошқ. (1996) Солиққа оид ҳатолар. –Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" наширёт уйи,-128 б.
- Гатаулин Ш. (1996) Солиқлар ва солиққа тортиш. –Т.: ДСҚ,. -241 б.
- Голик Е.Н. (2007) Косвенные налоги в условиях институциональных преобразований налоговой системы Российской Федерации: Монография / Ростовский государственный экономический университет «РИНХ». –Ростов-на-Дону, -242 с.
- Завалишина И. (2005) Солиқлар: назария ва амалиёт. –Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси",–544 б.
- Князев В.Г. (1997) Налоговые системы зарубежных стран: учеб. пособие / В.Г. Князев, Д.Г. Черник. -М.: Закон и право, Юнити,. -81с.
- Маликов Т., Олимжонов О. (1999) Молиявий менежмент. –Т.: Академия, -254 б.
- Нурмухаммидова, М.Х., Абдувохидов, А.А., & Мамажонова, С.В. (2021). Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида қишлоқ ҳўжалигини барқарор ривожлантириш асослари. *Ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnalni*,1(6), 401-417.
- Абдувохидов А.А., Тошбоев Б.Б. (2021) Ҳудудда импорт ўрнини босиш сиёсатини амалга ошириш механизми //Журнал Инновации в Экономике. – Т. 4. – №. 10.
- Тошматов Ш. (2008) Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли: Монография. –Т.: Фан ва технология. –204 б.
- Абдувохидов А.А. и др. (2021) Ўзбекистонда банк тизимини рақамлаштириш масалалари //Журнал Инновации в Экономике. – Т. 4. – №. 2.
- Musurmanovich U.Z., Abduvokhidov A.A., Ibragimovich B.G. (2021) Ways to improve the mechanism for collecting value added tax //Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry. – Т. 12. – №. 9.